



05.01.2022 даги

"HUDUDGAZTA'MINOT" AJ ва Ширин шаҳар маҳалла ва онлани қўллаб қувватлаш бўлими ўртасида
4999500,00 сўм умумий суммага тuzилган 02/03-0102 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 259
Шахсий газна ҳисобварак 100022860244107011906259001

сўмда

2022 й. ойлар номн.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4222000			
Январь	1 999 800,00			1 999 800,00
Февраль	1 999 800,00			1 999 800,00
Март	999 900,00			999 900,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	4 999 500,00			4 999 500,00

Жами 4999500,00 сўм

Тўрт миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг беш юз сўм 00

тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан _____ сўм ёки _____% *** шартноманинг умумий суммасидан
_____ % ***20 _____ ойда тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинимасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойнага _____% жорий ойнанинг _____ санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун ҳужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



(имзо)

Бойкobilов Рафиқ Хўжаназарович

Ф И Ш

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Абдураимов Илҳом Иброҳимович

Ф И Ш

Ғазначилик бўлинимасининг
ходими қабул килди _____

(имзо)

Буюртмачи ходими
қабул килди _____

(имзо)

« _____ » _____ 20 _____ й.

« _____ » _____ 20 _____ й.



HGT АКСИYAДOBЛIК ШAМIIATИ

ТАБИИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ
ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА
ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ
ШАРТНОМАСИ

№ 02/03-0102

Гулистон - 2022йил

Қўлдан ёзилган шартнома матни, шартлар ва қўл ёзувлари.

Table with columns for 'Til', 'Sana', 'Mavzu', 'Muhimlik', 'Muhimlik', 'Muhimlik', 'Muhimlik'. Contains handwritten entries.



ёки муносабатларни тўхтатиш ҳукукига эга бўладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар хар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сакланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул қилладилар.

ХII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон қарорига асосан Ҳазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга кириди.

12.3. Шартнома 2022 йил 31 мартгача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар хар йили "2022" йил 31 март санасига" амал қилишлари лозим.

ХIII. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ушбу шартнома томонларнинг хар бири учун икки нусхада тузилган, иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

«ТАЪМИНОТЧИ»	«ИСТЕЪМОЛЧИ»
«Худудгаз Сирларё» газ таъминот филиали	Шарифи м. Мажмаев ва елвон м. Қўлинов кў. Веломанов Ҳўлиев м
Гулистон шаҳар-А.Темур кўч.65, уй х/р 215 500 501 13900416	х/р 10021860244107041506258009
АТБ Ўзбекистон курьер банк	Банк «Сирри. Ўлик Ҳасан м. ХИЖИ
Сирларё минтақавий филиали	
МФО: 00435 - ИНН: 306605769	МФО: 0044 - ИНН: 207317456
ОҚОЛ: 352201; 151499897-747-74-71	Тел: 236-88-05
Раҳбар: А.Хишрอฟ	Раҳбар: Р.Бойқодиров
Имзо:	Имзо:

ТАБИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА КАБУЛ ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ

05.01.2022 йил

02/03-0102 -сон

Гулистон шаҳар

Низом ва ишончнома асосида фаолият юритувчи "Худудгаз Сирларё" газ таъминоти филиали(бундан кейин"Таъминотчи" деб аталади), раҳбари Ж.И.Хидиров, бир тарафдан, ҳамда Низом(Устас, Ишончнома) асосида фаолият юритувчи Шарифи м. Мажмаев ва елвон м. Қўлинов кў. Веломанов

(Истеъмолчи номи)

(бундан кейин"Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари Р.Бойқодиров иккинчи тарафдан, қўйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Таъминотчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинги ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган хажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Таъминотчигазни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертифицикага эга газ қурилмалари, шунингдек, электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Таъминотчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш кондаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол қилиниши тахмин қилинаётган газ хажми бўйича буюртма беради.

1.4. 2022 йилда Истеъмолчига техник шартларда белгиланган босим бўйича қўйидаги газ хажми етказиб берилади:

I чорак	7575	минг куб.м:	январь	3030	февраль	3030	март	1515
II чорак	—	минг куб.м:	апрель	—	май	—	июнь	—
III чорак	—	минг куб.м:	июль	—	август	—	сентябрь	—
IV чорак	—	минг куб.м:	октябрь	—	ноябрь	—	декабрь	—

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Таъминотчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ хажми ойлар бўйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.6. Таъминотчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган хажмлар додрасида қайта қўриб чиқиши мумкин, Истеъмолчи томонидан навбатдаги ой

(чорак) учун кўрсатилган табиий газ хажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортқича олинган газ миқдори деб ҳисобланмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Истеъмолчи томонидан газ тармоқлариغا уланиш амалдаги табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади, бунда «Санаятқонтехназорат» ДИ руҳсатномасисиз ва «Ўзнефтьгазиспекция» ҳудудий бўлимининг қўлланмадаги технологиялар ва асоб-ускуналарнинг энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги ҳамда ёқилгининг мукобил турларидан фойдаланиш тўғрисида ҳулосасисиз газ сарфловчи ускуналарга табиий газ етказиб бериш таққикланади.

2.2. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва хажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014(Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар)га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.3. Истеъмолчи Таъминотчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолнинг суткалик меъёри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

Модем ўрнатган Истеъмолчиларой давонида истеъмол қилган газ хажминини Таъминотчига электрон тарзда юбориши мумкин, ушбу газ хажми ҳаққоний бўлган тақдирда, Таъминотчи уни ҳисоботга киритади, шунда Тарафлар Таъминотчи Истеъмолчига ой давонида ҳисоботга киритилган газ хажминини етказиб берганлигини тасдиқлайди.

2.4. Таъминотчи Истеъмолчига 24 соат ичида газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида барча усуллар орқали Истеъмолчини хабардор қилиши шарт.

Таъминотчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

104, (78)221-12-70, (78)221-12-13, (78)227-06-02, (78)221-12-74

2.5. Таъминотчи Истеъмолчини газ етказиб бериш қисқартирилишига қадар камида 24 соат аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол қисқартирилади ёки тўхтатилади.

2.6. Магистрал ва тақсимловчи газ қувурларининг технологик иш режими бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида иқтимоий соҳа объектларини ва аҳоли истеъмолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадида Таъминотчи Истеъмолчини огоҳлантирган ҳолда газ етказиб беришни чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга, Истеъмолчи эса захира ёқилги туридан фойдаланишга ўтади.

2.7. Истеъмолчи Таъминотчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.8. Истеъмолчи захира ёқилги туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва қафолатлайди.

9.2. "Истеъмолчи" "Таъминотчи"га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади:

Шартноманинг амал қилиш муддати давонида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вақиллари), истеъмолчи мањааатлари учун агент ёки вақил сифатида ҳарақат қилиб, "Таъминотчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Қелишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда, Тарафлар қондага қўра, уларни талабнома жўнатиш орқали судга ҳал этиш чораларини қўрадилар. Тарафлар талабномани олган қондан бошлаб ўн беш қонлик муддат ичида унга жавоб қайтаришлари шарт, ақс ҳолда ушбу ҳолат қонунбузилиш ҳолати сифатида баҳоланади. Талабнома буюртма ёки қимматли хат тарзида, телеграф, телестайп орқали, шунингдек, тарафларнинг расмий веб сайтидаги, Давлат статистика қўмитасининг интернетдаги қорхона ва ташкилотлар ҳақидаги жойлаштирилган маълумотларидаги электрон почта манзиллари ва телефон рақамларига ёки шартномадаги электрон почта манзиллари ёки телеграмм рақамларига жўнатилиши мумкин.

10.2. Қелишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавоблар жойлашган жойдаги тегишли иқтисодий судга ёки Савло-саноат палатаси Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси ҳузурдаги доимий фаолият кўрсатувчи Ҳақамлик судимурожаат қилишга ҳаққилдир, танлаш ҳуқуқи даъвогарда қолади.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартаришга йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий офатлар:

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида, газни қайта ишлаш қорхоналари ва газ қазинчиқариш жойларида қўтилмаган авария вазиятлари юзага келганда, шунингдек енгиб бўлмас қулар туфайли содир бўлган табиий офатлар, ҳусусан, сел, ёмғир, сув тошқини, ёнгин чиқиши, ер қимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия лаврида ҳамда Ҳуқумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имқони бўлма қолганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиш, қисқартириш

- а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига кўшимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;
- б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;
- в) конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.
- г) истеъмолчи мазкур шартнома ва ёки унинг асосида берилган кафолат хатлари бўйича зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганда;
- д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандларида кўрсатилган ҳолларда.

8.4. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Таъминотчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

- а) форс-мажор ҳолатлар;
- б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида авария ҳолатлари юз берганда;
- в) киш даврида вақтинча газ етказиб бериш чекланганида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатига киритилган қорхоналардан ташқари);
- г) шартнома асосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.5. Етказиб берилган таъбий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Таъминотчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Таъминотчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.6. Таъминотчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Таъминотчи Истеъмолчига муддати ўтган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

8.7. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи муддати ўтган хар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, бироқ муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

8.8. Мазкур шартнома билан назар тутилмаган шартлар Ўзбекистон Республикасининг "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарорига илова(2) қилинган "Таъбий газдан фойдаланиш қоидалари" ҳамда бошқа қонунчилик нормалари билан тартибга солинади.

Истеъмолчи Таъминотчининг асосланган талаби билан таъбий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ захира ёқилгига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли даволотнома билан расмийлаштирилади.

2.9. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГПП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.10. Истеъмолчининг кўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Таъминотчидан кўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт. техник шартларнинг берилиши Давлат хизматлари маркази орқали амалга оширилади.

2.11. Таъминотчи таъбий газни ўртача суткалик норма доирасида ой мобайнида бир хил миқдорда, истеъмол қилишнинг суткалик нормасидан камайтириш ҳисобга чекиниш зарурати бўлган ҳолатларда эса — томонлар ўртасида келишилган диспетчерлик жалваллари бўйича етказиб бериши, истеъмолчи эса (маъний истеъмолчилар ва умумий ҳисоб қуввати 100 кВт.дан кўп бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасига эга оилавий қорхоналардан ташқари) уни бўлиниш чегарасида ўрнатилган таъбий газ истеъмолчини ҳисобга олиш прибори орқали олиши шарт.

Газ таъминоти ташкилотларига ГТСнинг алоҳида чиқиш газ қувурлари (нуқталар) орқали етказиб берилган таъбий газ ҳажмлари истеъмолчилар билан бўлиниш чегарасида ўрнатилган таъбий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларининг умумий йиғиндиси бўйича аниқланади. ГТСнинг алоҳида чиқиш газ қувурлар (нуқталар) ва истеъмолчилар билан бўлиниш чегарасида ўрнатилган таъбий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборларига қадар ўрнатилган бошқа таъбий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари, газ таъминоти ташкилотлари билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиш учун яроқсиз деб ҳисобланади.

Республика ҳудуди бўйича таъбий газни етказиб беришнинг ойлик ҳажмлари «Ўзтрансгаз» АЖ ва «Худудга таъминот» АЖ томонидан газ ташиш тизимининг ресурс ва техник имкониятларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

2.12. Истеъмолчи ёки Таъминотчининг тўлов реквизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳақида хабардор қилиши шарт.

2.13. Таъбий газни казиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимининг ягона узлуксиз технологик жараёнини ҳисобга олиб, Таъминотчининг кўрсатмаларини бажариш Истеъмолчи учун мажбурий ҳисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни ҳисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида

ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошланиши ҳисобланиб) Таъминотчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланган газ тармоғи бўлиниши нуктаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик микдори стандарт шартда 1 м³ газ олинади: ҳарорат 20° С, босим 101,325 кПа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шартда, азот ва карбонат ангидрид) қийматлари бўйича тузатилади.

Газ микдори “Ўзстандарт” агентлигининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ газ микдорини стандарт шартда аниқланади келтирилган газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Таъминотчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси унинг мулк ҳисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси танлови тегишли қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Таъминотчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТТХНАТ-АСКУГ) ларига улаштирилади.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

Бунда табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш ва давлат киёсвидан ўтказиш сарф-харажатлари ҳисобга олиш прибори мулкдори томонидан қопланади.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида O'z DSt 8.030:2008 “Ёқилги ва энергия. Ҳисобга қўйилган умумий талаблар”, O'z DSt 8.031:2008 “Ёқилги ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жиҳозлаш ва уларни ишлатиш” давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиш.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари “Ўзстандарт” агентлигининг жорий киёслов кўригидан ўтказилган сертификати ва ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларининг киёслов кўриқдан ва ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини “Ўзстандарт” агентлиги белгилайди.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (киёслов кўриги/калибрлаш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вақиллари иштирокида амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (киёслов кўриги/калибрлаш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ

амалга оширмаслик, уларнинг қасдан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамгаларнинг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор қилиш.

- Газ тармоғи бўлиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган (ТТХНАТ-АСКУГ) тизимига уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатиш;

- Таъминотчи томонидан юборилган талабномаларга қонунда назарда тутилган 15 кунлик муддат ичида жавоб қайтариш(белгиланган муддат ичида талабномага жавоб қайтармаслик табиий газ ҳақини тўлашдан бош тортиш деб баҳоланиши мумкин);

- Таъминотчи томонидан тақдим қилинган мурожаатларни қабул қилиб олиб, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда уларни имзо ва муҳр билан тасдиқлаб бериш;

7.4. Истеъмолчи Таъминотчидан қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Таъминотчининг табиий газни истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари ишлашнинг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимида риоя қилган ҳолда узатилиши;

- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вақтинча тўхтатишни.

Истеъмолчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Тарафлар мазкур шартнома билан зиммасига олган мажбуриятларни ўрнатилган тартибда ва муддатларда бажаришлари шарт.

8.2. Тарафлар, зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари бўйича амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан жавобгарликни ўтайдилар.

8.3. Таъминотчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлик етказиб бермаганлик учун қуйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.
- Истеъмолчи мажбур шартнома билан зиммасига олган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, унга табиий газ етказиб беришни тўхтатиш.

7.3. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

- мажбур шартнома билан зиммасига олган мажбуриятларни ўрнатилган тартибда ва муддатларда бажариш;
- ҳисобот ойда табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва ҳисоб-варақасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Таъминотчига электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш, ушбу маълумотларни тақдим қилмаслик етказиб берилган табиий газ ҳақини тўлашдан бош тортиш деб баҳоланади;
- ойлик истеъмол қилинган газ ҳажми ҳақидаги ҳужжатлар(табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-варақ фактура, солиштирма далолатномаси ва х.к.з)ни ўз вақтида имзо(муҳр) билан тасдиқлаб бориш, Истеъмолчи тақдим қилинган ҳужжатларни имзо(муҳр) билан тасдиқлашдан бош тортиш деб баҳоланади, ушбу ҳолат етказиб берилган табиий газ ҳақини тўлашдан бош тортиш деб баҳоланади;
- ташкилий ҳуқуқий шакли ўзгарган тақдирда ёки ЯТТга берилган гувоҳнома муддати тугаган тақдирда, бу ҳақда дарҳол Таъминотчига ёзма равишда хабар бериш;
- шартномани газначилик бўлиmidан рўйхатдан ўтказганидан кейин уч кунлик муддат ичида асослангувчи ҳужжагни Таъминотчига тақдим этиш;
- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;
- газ хўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техникаҳақдан соз ҳолатда сақлаш;
- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;
- ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кеçириб чиқиш;
- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқлариға сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛТХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймаслик;
- газ Таъминотчи вақиллари ва “Ўзнефтгазселекция” ҳодимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кеçиришини таъминлаш;
- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ҳодим ёрдамида) бартараф этиш;
- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни

ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вақиллари иштирокида амалга оширилади.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари Таъминотчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Таъминотчи Истеъмолчиға газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Таъминотчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборлариға ва ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажмини ўлчашға таъсир қиладиган қисмлариға Истеъмолчи иштирокида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутлилиға Истеъмолчи жавобгардир.

3.15. Таъминотчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг тўғри ишлашини кузатиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирға, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиғига мувофиқ Таъминотчи вақилларининг ўлчаш приборлари ва ёки ўлчаш комплекслариға тўсқисиз киришини таъминлайди.

3.16. O'z DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида гайритабиий ҳолатлар юзаға келган тақдирда O'z DSt 8.064:2017 бўйича газнинг микдори ҳисобланади (корректировка). Ўлчаш қурилмаси ва ёки ўлчаш комплекси фаолиятиға руҳсатсиз аралашиш ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, қуйидаги ҳолларда тамгаланамаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалға оширилади:

а) газни ҳисобга олмаган ҳолда газ истеъмоли – газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол қилиш (ноқонуний байпас линиялари уланганда) охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда – охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганлиғини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманиннг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатға олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтға;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – киёслов кўриғидан ўтказиш учун ечилганда – ҳисобга олиш прибори ечилган кундан “Ўзстандарт” агентлиғидан киёсловдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойиға ўрнатилган

кунгача бўлган вақтга;

д) ҳисобга олиш приборини киёслов кўригидан ўтказиш ва ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугаганда – киёслов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан киёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилган кунгача бўлган вақтга;

е) ҳисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бузилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбошимча ечиб қўйилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ қувурларида ёки ГППларида асоб-ускуналар ўрнатилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

и) газ ҳисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноқонуний тарзда таъши таъсир кўрсатган ҳолда табиий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда – таъши таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасида сақланадиган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимдан ҳисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки Таъминотчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Ҳисоб-китоб учун ТТХНАТ (АСКУГ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТТХНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охириги ҳатловдан ўтказиш даволатномаси тузилган кундан, ҳатлов даволатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охириги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш ҳужжатларини расмийлаштирмастан истеъмолчи томонидан қўшимча газ қурилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (қўшимча газ аниқломларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослантувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганида) – бир ҳисоб-китоб даврига;

н) газ узиб қўйилганидан сўнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда, узиб қўйилган кундан бошлаб то аниқланган кунга қадар.

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва ёки ўлчов комплексининг меърий-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки

- табиий газ етказиб бериш қисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор қилиш;

- газ ҳисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини қамийда уч йил мобайнида ўзида сақлашни таъминлаш;

- шартноманинг 3.17.-бандига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилуғунига қадар табиий газ таъминотини қўшимча оғохлантиришларсиз тармоқдан ўчириш;

- табиий газнинг руҳсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;

- Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- қонунда назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақдимномасига асосан шартномага ўзгарттиришлар киритиш;

- Таъминотчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш;

- табиий газ сизиб чиқишида — дарҳол;

- овақат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида (иситиш мавсумидан ташқари вақтда) — икки кун давомида;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичида алмаштириш; Таъминотчи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Таъминотчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- техник заруратга кўра, Истеъмолчинни белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқартириш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармоқларига руҳсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоқидан узиб қўйиш;

- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қоидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;

- газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриши зарурати юзига келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни оғохланттирмастан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;

- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қондабузарликлар бартараф этилуғунига қадар аввалдан оғохланттирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

ҳажми қийматининг ундирилиши Истеъмолчини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчида қуйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилгунига қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар ва/ёки амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан Истеъмолчи учун мажбурий бўлган, бироқ мазкур шартномадан назарда тутилмаган бошқа мажбуриятлар бажарилмаганида;

- Таъминотчи вакиллари газдан фойдаланиш ускуналари ва ҳисобга олиш қурилмаларини назоратдан ўтказишга йўл қўйилмаганда;

- фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;

- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли миқдорда олдиндан тўловлар амалга оширилмаганда, агар тарафларнинг келишувига мувофиқ шартномада олдиндан тўловлар назарда тутилган бўлса;

- Таъминотчининг ва "Ўзнефтгазинспекция"нинг кўрсатмалари бажарилмаганида; - ҳисоблаш приборларига касддан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгартириш максалида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи ҳафти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;

- газни ҳисобга олиш приборларига ташқи таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш;

- Газдан фойдаланиш қондаларига зид равишда газ тармоқларига ноқонуний уланиш ёки бошқа қоидабузарликлар ёқуд газни талон-тароғ қилиш ҳолатлари аниқланганди;

Бунда Таъминотчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.2. Газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ) ларига уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Таъминотчи қуйидагиларга мажбур:

- мазкур шартнома билан зиммасига олган мажбуриятларни ўрнатилган тартибда ва муддатларда бажариш;

- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;

- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;

чегарасида олинади.

3.19. Таъминотчи томонидан етказиб берилмаган газ ҳажмининг ишончилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Таъминотчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлинуларида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиқканда ёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиш ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичида Таъминотчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек қорхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Таъминотчи билан биргаликда ўчириб таъминоти томонидан таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиш ҳолати аниқланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. (O'z DSt 8.586 га қўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Тарафларнинг келишувига мувофиқ, Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан қаида 5 кун олдин ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 30% суммасини Таъминотчининг ҳисоб рақамига ўтказиб беришга келишдилар.

4.4. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.5. Стратегик ва иқтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш оғи тутагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошираддилар.

4.6. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблаглар қайтарилмайди, кўрсатиб утилган маблаглар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.7. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги

ҳажмлардан ортқича олинган табиий газ кийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созингини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчига алоқадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чакмок, киска туташув ва х.к.)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабли истеъмол қилинган табиий газ ҳажмини ўрнатилган газ асбоб ускуналарини тўлиқ қуввати бўйича ҳисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортқича ҳажмларни ташкил қилган ҳолатлар бундан мустасно.

4.8. Табиий газ учун Истеъмолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари Истеъмолчинини хабардор қилган ҳолда қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.9. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ киймати ўз вақтида тўланганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдориди, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлайди.

4.10. Ҳисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ ҳажми Таъминотчи вакиллари томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ПТХНА)га уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъёрлар бўйича ҳисоб-китоб қиладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимига киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш орқали аниқланади.

4.11. Шартноманинг 4.10-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Таъминотчи томонидан ҳисоб-китоб ойна учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади ва унга асосан истеъмолчига электрон ҳисоб варақ-фактура юборилади.

Модем ўрнатган Истеъмолчилар ойна давомида истеъмол қилган газ ҳажмини Таъминотчига электрон тарзда юбориши мумкин, ушбу газ ҳажми ҳаққоний бўлган тақдирда, Таъминотчи уни ҳисоботга киритади, шунда Тарафлар Таъминотчи Истеъмолчига ойна давомида ҳисоботга киритилган газ ҳажмини етказиб берганлигини тасдиқлайдиларунга асосан Таъминотчи Истеъмолчига электрон ҳисоб варақ-фактурани юборади.

4.12. Таъминотчи ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида қуйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

- а) газни ҳисоблаш прибори хотирасидан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;
- б) Истеъмолчига тақдим этиладиган, Истеъмолчининг бўлиниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик

йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги далолатноманинг мавжудлиги;

Бунда Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи ҳисобига олиб борилади.

4.13. Истеъмолчи ойнанинг 7 кунидан кечиктирмадан Таъминотчидан ҳисоб-китоб ойна учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Таъминотчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан электрон ҳисобварақ-фактурани қабул қилади.

Модем ўрнатган Истеъмолчилар ойна давомида истеъмол қилган газ ҳажмини Таъминотчига электрон тарзда юбориши мумкин, ушбу газ ҳажми ҳаққоний бўлган тақдирда, Таъминотчи уни ҳисоботга киритади, шунда Тарафлар Таъминотчи Истеъмолчига ойна давомида ҳисоботга киритилган газ ҳажмини етказиб берганлигини тасдиқлайдилар. унга асосан Таъминотчи Истеъмолчига электрон ҳисоб варақ-фактурани юборади.

4.14. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчинини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ микдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш ойна тутаганидан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Таъминотчи вакилига тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро хал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.15. Истеъмолчидан дебитор қарзларни ундириш Таъминотчи томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.16. Газ учун амалдаги тарифлар (наҳрлар) ўзгарган тақдирда, Таъминотчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табиий газнинг аванс тарикасида тўланган ҳажми учун тўлов қонундан бошлаб кўпи билан кейинги 1 ой қўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади.

V. ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17-бандида кўрсатиб ўтилган хуқуқбузарликларга йўл қўйиши, Таъминотчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ ҳажми киймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатишган ҳолатларда газ